TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 14 - mart 72-14-203-Q/22 Yashnobod tuman hokimligi

“Яшнобод тумани ҳокимининг 2019 йил 28 августдаги 3789-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарорига асосан Яшнобод тумани, Мунаввар кўчаси, 24-уй, 12-хонадонда қурилган қурилмаларга мулк ва эгалланган ер майдонига ҳуқуқ тури белгиланган.

Ушбу қарорда, қурилмаларнинг умумий майдони ва яшаш майдонлари кўрсатилишида хатоликка йўл қўйилиб яшаш майдони 27,26 кв.м. ўрнига 14.26 кв.м. деб кўрсатилган бўлиб, бугунги кунда фуқаро M.M.Jo‘rabekova томонидан нотариал идоралар орқали уй-жойга оид битимларни тузиш жараёнида қийинчиликларга дуч келаётганини баён қилиб ариза билан мурожаат этган.

Юқорида қайд этилганларни ва фуқаро M.M.Jo‘rabekovaнинг аризасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яшнобод тумани ҳокимининг 28.08.2019 йилдаги 3789-сонли қарорига ўзгартириш киритилсин.

2. Қарорнинг 1-банди 2 қаторидаги "2 та яшаш майдони" сўзларидан кейин "14,26 кв.м" рақами "27,26 кв.м." рақамларига ўзгартирилсин.

3. Фуқаро M.M.Jo‘rabekovaга:

Ушбу қарорни белгиланган тартибда Давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Яшнобод туман филиалидан давлат рўйхатидан ўтказиш

учун буюртма бериш мажбурияти юклатилсин.

4. Қарорнинг қолган бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Яшнобод туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Махмудов зиммасига юклатилсин.

Яшнобод тумани ҳокими **Б.Рахманкулов**